Ўзбекистон Республикаси Қашкадарё вилояти
МАЪСУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ
«ZAMIN OIL-AUDIT» АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ
Юридик манзили: 180100 Қашкадарё вилояти, Қарши шахри, Шибаев кучаси, 1-уй 15-хонадон, тел.(+99893) 935-07-65, 422 -41 -58.
Аудитолик фаолияти бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 05.04.2019 й.даги № 00774 рақамли лицензига эга.
Zaminoil-audit@mail.ru Банк: Уз.СКБ Карши ш. МФО 00894 Х/Р 20208000904162711001 СТИР 203869896 ОКЭД 69202

Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСА

Хулоса санаси: 26.02.2020 йил

«QASHQADARYODONMAXSULOTLARI»
АЖ раҳбариятига

Манзил: **«QASHQADARYODONMAXSULOTLARI» АЖ** Қарши шахри, И. Муминов кўчаси 68- уй.
ОАТБ"Агробанк" Қашқадарё минтақавий филиали. х/р 20210000000206192001 МФО 00151. ИНН 200670475
ОКЭД 10610

Биз масъулияти чекланган жамият шаклидаги «ZAMIN OIL-AUDIT» аудиторлик ташкилоти (Манзили: 100180. Қарши шахри Шибаев кўчаси 1- уй 15-хонадон УзСҚБ Қашқадарё минтақавий филиали Қарши шахри. х/р 20208 000 904162711 001, МФО 00854, ИНН 203869896, ОКЭД 69202, тел (99893) 935—07-65 email: Zaminoil-audit@mail.ru Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси худудида барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш хуқуқи билан 05.04.2019 йилда берилган АФ № 00774-сонли лицензияси хамда Адлия Вазирлиги томонидан 05.09.2013 йилда № 64 –реестр билан рўйхатга олинган гувохнома) бош аудитори **Зулфиқоров Х. Н.** томонидан (*Аудитор малака сертификати № 05543 17.12.2017 йилда Молия Вазирлиги томонидан берилган*) хўжалик юритувчи субъект **«QASHQADARYODONMAXSULOTLARI» акциядорлик жамияти** томонидан тақдим этилган молиявий хисоботларнинг "Бухгалтерия баланси Ф-1, Молиявий натижалар Ф-2, Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот Ф-4, Хусусий капитал тўғрисидаги хисобот Ф-5 шаклларидан иборат 2019 йил 01 январидан- 2019 йил 31 декабрь холатидаги молиявий хисоботнинг ишончлилигини **мажбурий** тарздаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз **«QASHQADARYODONMAXSULOTLARI» акциядорлик жамиятининг** илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча ижобий фикр билдириш учун асос бўладиган **«QASHQADARYODON-MAXSULOTLARI» акциядорлик жамиятининг** 2019 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини ҳаққоний акс эттиради.

МЧЖ «ZAMIN OIL-AUDIT» аудиторлик ташкилоти директори, аудитор: **Х. Н. Зулфиқоров**